

## Покистонда қишки таътилда Қуръон курслари ташкил этилмоқда



07:59 / 06.12.2018 2357

Курсларни ташкил этишдан мақсад, узоқ чўзиладиган қишки таътил мавсумида болаларни фойдали иш билан шуғулланишларини таъминлашдан иборат, деб хабар беради янгликка ойдинлик киритган IQNA ахборот агентлиги.

Масалан, Қуветта шаҳрида ташкил этиладиган курсларга рўйхат олиш бошланган. Дарслар кундузи соат 9-11.30 гача, кечаси хуфтон намозидан кейин соат 21.00 гача бўлиши режалаштирилган. Курсларда асосан тажвид ва қироат билан бирга ақоид, ахлоқ каби фанлардан ҳам сабоқ берилади. Ўқувчиларни рағбатлантириш учун турли саёҳатлар уюштириш ҳам ўқув дастурига киритилган. Маълум бўлишича, Покистоннинг совуқ ўлкаларида қишки таътил 1 январдан то февраль ойининг охирига қадар давом этаркан.

*Islom.uz портали таҳририяти*